

Ушбу нашр хотин-қизларнинг одил судловга эришишини таъминлаш бўйича илғор тажрибаларга оид масалаларга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда суд ва бошқа органларга мурожаат қилишда дуч келадиган муаммолар ва тўсиқларга бағишланган. Турли давлатларнинг илғор тажрибаларини татбиқ этиш заруратини асослаш билан бир қаторда, хотин-қизларнинг одил судловга эришишлари бўйича энг самарали чора-тадбирларни аниқлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Нашр одил судлов соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар, судьялар, судларда бошқарувни амалга оширувчи ходимлар, шунингдек, Ўзбекистонда ҳуқуқий ва суд ислохотларига оид масалалар билан шуғулланувчи мутахассислар учун фойдали бўлади.

МУАЛЛИФЛАР

Ф. У. Хамдамова – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг катта ўқитувчиси ва тадқиқотчи

Д. Ш. Умарханова – юридик фанлар доктори, доцент, ТДЮУ “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси мудир.

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: +998 71 239 02 67

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ	7
II. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШИ УЧУН МАВЖУД ТЎСИҚЛАР, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ	11
III. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ	20
ХУЛОСАЛАР	29

КИРИШ

Одил судловга эришиш инсон ҳуқуқи, шунингдек, инсоннинг бошқа ҳуқуқларига эришиш воситаси ҳисобланади.

Одил судловга эришиш ҳуқуқи кўп қиррали бўлиб, ушбу ҳуқуқни таъминлаш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ бўлган олтита муҳим таркибий қисмларни, яъни суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ; судлар, судга ўхшаш органлар ва бошқа органларнинг мавжудлиги; яхши сифат; одил судлов тизимининг ҳисобдорлиги ва жабрланганларга ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этишни назарда тутди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қабул қилинган пайтдан бошлаб ушбу ҳуқуқ барча энг муҳим халқаро конвенциялар ва миллий қонунчиликда мустаҳкамланганига қарамай, турли халқаро тадқиқотлар ва одил судловга эришишни ўлчайдиган кўрсаткичлар ушбу соҳадаги тўсиқларни олиб ташлаш зарурлигини таъкидламоқда.

Масалан, “Қонун устуворлиги индекси 2020” халқаро тадқиқотга кўра, глобал миқёсда “Одил судловга эришиш” кичик омилнинг ўртача кўрсаткичи 0,56 ни ташкил этади¹. Бу ушбу тадқиқотда иштирок этган 128 мамлакатдан 69 тасида (53,9 %) глобал ўртача кўрсаткичдан паст эканини англатади. Жумладан, Ўзбекистон 0,46 балл билан 104-ўринни эгаллаган.

Глобал миқёсда ўртача кўрсаткич бундай бўлган бир вазиятда эркакларга қараганда заифроқ ҳисобланган хотин-қизларнинг одил судловга эришиш масалалари айниқса долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу, шунингдек, БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича кўмитасининг Умумий тавсияларида ҳам таъкидланган бўлиб, унда “хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда одил судловга эришиш ҳуқуқидан фойдаланишларига тўсқинлик қилувчи бир қатор чеклов ва тўсиқлар, шу жумладан, иштирокчи-давлатлар томонидан тақдим этилган одил судловга эришишнинг барча жиҳатларига оид бўлган самарали ҳуқуқий ҳимояси йўқлиги” қайд этилган. Бундай тўсиқлар гендер стереотиплари, камситувчи қонунлар, камситишнинг кесишган ёки аралаш шакллари, процессуал қоидалар ва талаблар, далилларнинг мақбуллигига оид амалиёт, шунингдек, барча хотин-қизлар учун тизимли равишда суд механизмларининг ижтимоий-маданий мақбуллиги ва жисмоний ҳамда иқтисодий жиҳатдан эришиш имкониятини таъминлай олишга қодир эмасликдан келиб чиқадиган камситиш ва тенгсизликнинг таркибий контекстида юзага келади. Бундай тўсиқларнинг мавжудлиги доимий равишда хотин-қизлар ҳуқуқлари бузилишининг сабаби ҳисобланади².

Бешинчи ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари бўйича Қўмита томонидан Ўзбекистонга нисбатан мазмун жиҳатдан юқоридаги тавсияга ўхшаш тавсия берган бўлиб, унда “қишлоқлардаги хотин-қизларнинг ноқулай ҳолатидан; иштирокчи-давлат қишлоқда яшовчи хотин-қизлар орасида қашшоқлик муаммоларини ечимини топиш ва уларнинг одил судловга эришишини таъминлаш учун чора-тадбирлар кўрмаётганидан” ҳавотирда эканини маълум қилган³.

¹ Одил судловга эришиш “Фуқаролик одил судлови” омилнинг кичик омилларидан бири ҳисобланиб, у оддий фуқаролар ўзларининг низоларини/келишмовчиликларини фуқаролик одил судлови тизими орқали тинч йўл билан ва самарали ҳал қила олиши мумкинлигини ўлчайди. Шунингдек, ушбу кичик омил камситиш, коррупция ва давлат мансабдор шахсларининг ноқонуний таъсирдан/аралашувидан холи бўлган, юқори молиявий харажатлар билан боғлиқ бўлмаган фуқаролик одил судловига қай даражада эришишни ҳам баҳолайди. Ушбу кичик омил фуқаролик одил судлови асосиз кечиктиришларсиз амалга оширилаётгани ёки йўқлиги, қарорлар самарали бажарилаётгани ёки йўқлиги тўғрисидаги саволларга жавобларни аниқлайди. Бундан ташқари, ушбу кичик омил низоларни ҳал қилишнинг муқобил механизмлари мавжудлиги, ҳолислиги ва самарадорлигини ўлчайди. “Қонун устуворлиги индекси” тадқиқот методологиясига биноан ушбу кичик индикатор учун ажратиш мумкин бўлган максимал қиймат 1 бални ташкил этади..

² Общая рекомендация №33, касающаяся доступа женщин к правосудию (CEDAW/C/GC/33): <http://hrllib.kz/wp-content/uploads/2016/05/2015-Общая-рекомендация-№33-касающаяся-доступа-женщин-к-правосудию.pdf>

³ https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolNo=CEDAW%2fC%2fUZB%2fCO%2f5&Lang=ru

Ушбу масаланинг долзарб эканидан келиб чиқиб, “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” лойиҳаси доирасида хотин-қизларнинг одил судловга эришишини ошириш, шу жумладан, хотин-қизлар одил судловга эришишлари учун тўсиқлар ва уларни бартараф этиш ва хотин-қизларнинг одил судловга эришишини ошириш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди.

Хорижий тажрибани ўрганиш юқорида қайд этилган БМТ Қўмитасининг тавсияларини амалга ошириш пайтида бошқа давлатлар дуч келган муаммоларни кўриш ва уларни Ўзбекистонда мавжуд муаммолар билан таққослаш ва зарурат бўлган ҳолларда эса ўз самарасини кўрсатган тегишли чора-тадбирлар рўйхатини тайёрлаш имконини беради..



I. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

Одил судловга эришиш ҳуқуқ устуворлигининг асосий тамойили ҳисобланади. Ҳуқуқ устуворлиги масалалари бўйича юқори даражадаги йиғилиш декларациясида барча, шу жумладан, заиф ҳолатда бўлган гуруҳ вакиллари одил судловга тенг равишда эришиш ҳуқуқи таъкидланган ва барча инсонларнинг одил судловга эришишларини осонлаштирадиган адолатли, шаффоф, самарали, камситмайдиган ва ҳисобот беришини назарда тутувчи хизматлар кўрсатилиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш бўйича иштирокчи-давлатларнинг мажбурияти яна бир бор тасдиқланган (14- ва 15-бандлар). Одил судловга эришишни таъминлаш мақсадида иштирокчи-давлатларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти ҳуқуқ устуворлиги соҳасида олиб борилаётган ишларнинг асосий қисми ҳисобланади⁴.

Одил судловга эришиш ҳуқуқи суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг ҳуқуқий кафолатлари тизимига киради, шу билан бирга, суд орқали ҳимоя қилиш тартиб-таомили бошлангунга қадар дастлабки мажбурий “ҳуқуқ-шарт” сифатида намоён бўлади. Фуқароларнинг суд орқали ҳимоя қилинишига бепул ва тўсиқсиз эришиш имконияти бўлмаган тақдирда бузилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми ҳаракатсиз қолмоқда. Шу сабабли илмий адабиётларда одил судловга эришиш “ҳаракатга келтирувчи механизм” аҳамиятига эга ва суд ҳокимиятини амалга оширишнинг зарурий шarti” деб аниқ белгилаб қўйилган⁵.

Маълумот учун: Халқаро-ҳуқуқий изоҳга мувофиқ одил судловга эришиш унга муҳтож бўлган ҳар қандай шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд механизмига мурожаат қилишнинг тўсиқсиз имкониятини таъминлашга ва тўғридан тўғри суд муҳокамасининг адолатлилигини кафолатлашга қаратилган процессуал кафолатлар тўпламини ўзида жамлайди.

Суд терминологиясида “одил судловга эришиш” тушунчаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (кейинги ўринларда – ИҲЕС) томонидан киритилган бўлиб, “Голдер Бирлашган Қиролликка қарши” ишида унинг умумий мазмуни очиб берилган. Одил судлов деганда ИҲЕС ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги ҳар қандай низони судга топширишнинг тўсиқсиз имкониятини тушунишни таклиф қилади. Кейинги суд амалиётида ИҲЕС одил судловга эркин эришиш ҳуқуқининг мазмунини кенгайтирди ва уни янада батафсил кўрсатиб берди. Бунда жиноят ишини қўзғатиш учун тақиқ ёки тўсиқ, судга мурожаат қилиш, божларнинг ҳаддан ташқари катта миқдорлари, даъво билан мурожаат қилишнинг қийин тартиб-таомили бўлган ҳолларда бепул юридик ёрдам олиш имкониятининг йўқлиги, айбланувчи ва

⁴ <https://www.un.org/ruleoflaw/ru/thematic-areas/access-to-justice-and-rule-of-law-institutions/access-to-justice/>

⁵ Воскобитова Л. А. Процессуальное регулирование доступа граждан к правосудию в уголовном судопроизводстве // Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации: год правоприменения: материалы Междунар. науч.-практ. конф. М., 2004.

унинг ҳимоясисини жиноят ишлари бўйича материаллар билан танишишини чеклаш, суд муҳокамасининг оқилона муддатларини бузиш, назорат тартибида иш кўрадиган суд томонидан суд мажлисининг вақти ҳақида хабар бермаслик ва ҳоказолар одил судловга эришиш ҳуқуқининг бузилиши деб тан олинishi керак. Шу билан бирга, одил судловга эришиш очиқдан очиқ “судга мурожаат қилиш имконияти” деган нуқтаи назарга аксарият ҳуқуқшунос олимлар қўшилади. Бу “одил судловга эришиш” атамасининг асосий мазмуни ҳисобланади⁶.

Одил судлов тизимини ислоҳ қилишнинг барча таркибий қисмлари эркаклар, хотин-қизлар ва жамиятнинг барча гуруҳлари тенг равишда одил судловга эришишларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши шарт.

Одил судловга эришиш процессуал-ҳуқуқий ҳодиса сифатида халқаро даражадаги жиддий норматив ҳужжатларга асосланади. У барчага маълум умум қабул қилинган халқаро актларда ўз ифодасини топган. Булар: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (8-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (14-модда), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция (6-модда).

Халқаро-ҳуқуқий изоҳга мувофиқ одил судловга эришиш унга муҳтож бўлган ҳар қандай шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд механизмига мурожаат қилишнинг энг тўсиқсиз имкониятини таъминлашга ва тўғридан тўғри суд муҳокамасининг адолатлилигини кафолатлашга қаратилган процессуал кафолатлар тўпламини ўзида жамлайди⁷.

Ҳар кимнинг (эркакларнинг ҳам, хотин-қизларнинг ҳам) одил судловга эришиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари бўйича бир қанча умумий халқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Хусусан,

- **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (1966 й.)** иштирокчи-давлатга ҳуқуқий ҳимояни талаб қилаётган ҳар қандай шахс учун ҳуқуқий ҳимояга бўлган ҳуқуқи ваколатли суд, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар ёки давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан ўрнатилишини таъминлаш ва суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини ривожлантириш мажбуриятини юклайди. Пакт барча шахсларнинг судлар ва трибуналлар олдида тенглигини белгилайди.
- **Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенция (ИКБШТХК) (1965 й.)** тиштирокчи-давлатлардан судлар ва одил судловни амалга оширувчи бошқа барча органлар олдида тенглик ҳуқуқини амалга оширишни талаб этади (5-модда).

Инсон ҳуқуқларига оид умумий халқаро ҳужжатлар, яъни барча тоифадаги инсонларга бир хил татбиқ этиладиган ҳужжатлар билан бир қаторда, фақат хотин-қизлар ҳуқуқларига тааллуқли бўлган махсус ҳужжатларни алоҳида гуруҳга ажратиш лозим. Ушбу ҳужжатларда хотин-қизларнинг одил судловга эришиш ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратилган

- **Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида БМТ ковенцияси** иштирокчи-давлатдан эркаклар билан тенглик асосида хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳуқуқий ҳимоясини ўрнатишни, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай

⁶ Бородинова Т. Право граждан на свободный доступ к правосудию: понятие, содержание, субъекты: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravo-grazhdan-na-svobodnyy-dostup-k-pravosudiyu-ponyatie-soderzhanie-subekty/viewer>

⁷ Бородинова Т. Право граждан на свободный доступ к правосудию: понятие, содержание, субъекты: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravo-grazhdan-na-svobodnyy-dostup-k-pravosudiyu-ponyatie-soderzhanie-subekty/viewer>

камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашни талаб этади (2-модда (с) банди).

- **Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича қўмита ўзининг 28-сонли умумий тавсиясида (2010 йил)**, “иштирокчи-давлатлар бундан кейин ҳам зарурат туғилганда юридик ёрдам ва қўмакни ваколатли ва мустақил суд ёки трибуналлар томонидан адолатли суд муҳокамасини ўтказиш орқали олган ҳолда хотин-қизлар арзон ва мавжуд ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан ўз вақтида фойдаланишини таъминлашлари шартлигини” тушунтирди.
- **Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича қўмита ўзининг 33-сонли умумий тавсиясида** хотин-қизларнинг одил судловга эришишини таъминлаш бўйича иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятини назарда тутди.
- **Пекин ҳаракатлар платформаси** “... ушбу сиёсатни амалга оширишга масъул бўлганлар орасида, масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, полиция ва суд ходимлари, тиббиёт ва ижтимоий ходимлар орасида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик сабаблари, оқибатлари ва механизмлари тўғрисида билим даражасини ва тушунчаларни оширишга қаратилган чоратадбирлар ва дастурларни фаол равишда тарғиб қилиш, қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга <...> гендер жиҳатларни инобатга олмайдиган қонунлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларини қўллаш натижасида зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг қайта зўравонликка учрамасликлари учун шароитлар яратишга қаратилган стратегия ишлаб чиқишга” ундайди.
- **Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида декларацияга (1993 й.)** мувофиқ давлатлар зўравонликка учраган хотин-қизларга етказилган зарарни қоплаш ва ҳуқуқбузарликни жазолаш учун ўз миллий қонунчилиги доирасида жиноий, фуқаролик, меҳнат ва маъмурий санкцияларни ишлаб чиқиш мажбуриятини олади. Бундай хотин-қизларга одил судловни амалга ошириш механизмидан ва миллий қонунчиликка мувофиқ уларга етказилган зарар билан боғлиқ адолатли ва самарали ҳуқуқий ҳимоя воисталаридан фойдаланиш имкони таъминланган бўлиши шарт. Иштирокчи-давлатлар, шунингдек, ушбу механизмлар орқали етказилган зарарни қоплаш бўйича ҳуқуқлари борлиги ҳақида хотин-қизларни хабардор қилиши шарт.

Одил судловга эришиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилган аҳолининг заиф тоифаларига тааллуқли халқаро ҳужжатларни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция (1990 й.) иштирокчи-давлатдан меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг суд муҳокамасининг оқилона муддатда амалга оширилиши ёки ундан озод қилинишига бўлган ҳуқуқини таъминлашни; судлар ва трибуналларда тегишли давлат фуқаролари билан тенглигини; уларга нисбатан ҳар қандай жиноий айблов қўйилган пайтда минимал кафолатларни белгилашни талаб этади.

Заиф қатламга, шунингдек, кекса аёллар, ногирон хотин-қизлар, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи хотин-қизлар, мигрант хотин-қизлар ва бошқалар кирази. Умуман олганда, БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича Қўмитасининг умумий тавсиялари таҳлили сўнги тавсияларнинг деярли барчаси хотин-қизларнинг айнан ушбу гуруҳларига бағишланганини кўрсатди: 1-сонли Умумий тавсия ногирон хотин-қизларга, 26-сонли Умумий тавсия мигрант хотин-қизларга, 30-сонли Умумий тавсия можароли ҳудудлардаги хотин-қизларга, 32-сонли Умумий тавсия қочоқ хотин-қизларга ёки апатритларга, 34-сонли Умумий тавсиялар қишлоқ жойларда истиқомат

қилувчи хотин-қизларга бағишланган.⁸ Булар бир неча асослар бўйича камситилиши (кўп марта камситиш) мумкин бўлган хотин-қизлар тоифалари ҳисобланади. Улар учун одил судловга эришиш ҳуқуқи янада муҳимроқдир.

Умуман олганда, гендер масалаларини ўз ичига олган одил судлов соҳасидаги халқаро ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, жиноят одил судлов тизимларида ҳуқуқий ёрдамга эга бўлиш имкониятига оид Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тамойиллари ва устувор қоидалари (67/187) хотин-қизлар, болалар ва алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахслар гуруҳлари, шу жумладан, кексалар, озчилик вакиллари, ногиронлар, руҳий касалликка чалинганлар, ОИВ инфекцияси билан касалланган ва бошқа жиддий юқумли касалликларга чалинган одамлар томонидан ҳуқуқий ёрдамдан ҳақиқатдан ҳам амалда фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун махсус чораларни кўришни белгилайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устувор қоидалари давлатлардан хотин-қизлар ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши ҳуқуқини таъминлаш учун самарали ва тегишли чора-тадбирлар кўришни талаб этади.

Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачи Габриэла Кнаульнинг одил судловни амалга оширишнинг кенгроқ контекстида гендер муаммолари ва суд тизими ўртасида кўп қиррали муносабатларнинг айрим жиҳатларига қаратилган Маърузасини алоҳида қайд этиш лозим. Маърузанинг гендер муаммоси ва одил судловни амалга ошириш бўйича қисмида хотин-қизларнинг одил судловга эришишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар ва хотин-қизларнинг одил судловга эришиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган шартлар кўриб чиқилган.

Универсал даражада БМТ доирасида қабул қилинган халқаро ҳужжатлардан ташқари, бир қанча минтақавий ҳужжатларни ҳам келтиришимиз мумкин. Масалан, ЕҲХТнинг инсон ўлчовлари соҳасидаги мажбуриятлари (2011 й.) иштирокчи-давлатдан қуйидагиларни таъминлашни талаб этади: мустақил ва холис суд олдида оқилона муддатда адолатли ва очиқ муҳокама ўтказишни, шу жумладан, ҳуқуқий асосларни илгари суриш ва ўзи танлаган адвокат томонидан ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқни; ҳар қандай инстанцияда қабул қилинган қарор тўғрисида, шу жумладан, қарор асосланган норматив ҳужжатлар ҳақида тез ва расман хабардор қилинишга бўлган ҳуқуқни.

Бундай ҳужжатлар қаторига, шунингдек, **Европа Кенгашининг Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенцияни (Истамбул конвенцияси)** ҳам киритиш мумкин.

Шундай қилиб, хотин-қизларнинг одил судловга эришиш имкониятларини таъминлаш масалалари ҳам универсал даражада БМТ доирасида, ҳам минтақавий даражада минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича умумий шартномаларда ҳамда хотин-қизлар ёки одил судлов соҳасига бағишланган махсус ҳужжатларда ўз аксини топган. Бу мазкур масаланинг муҳим ва кўп қиррали эканини яна бир бор тасдиқлайди.

⁸ Текст общих рекомендаций Комитета ООН по ликвидации дискриминации в отношении женщин доступен на сайте УВКПЧ ООН по ссылке <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CEDAW/Pages/Recommendations.aspx>



II. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШИ УЧУН МАВЖУД ТЎСИҚЛАР, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Бугунги кунда дунёнинг ҳеч бир мамлакатида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари етарли даражада амалга оширилмайди. Хотин-қизларнинг белгилаб қўйилган тенглиги ва ушбу тамойилнинг ҳаётда намоён бўлиши ўртасида тафовут сақланиб қолмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг қонунчилиги ҳанузгача халқаро стандартларга жавоб бермайди. Сўнги бир неча ўн йилликлар давомида эришилган муҳим ютуқларга қарамай, хотин-қизлар ва эркекларнинг қонун ва суд олдидаги тенглиги ҳали ҳам ҳақиқатга айланмади.

БМТнинг Хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича қўмитаси хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилишига асосий сабаб ва омиллар сифатида кўп ҳолларда куйидагиларни таъкидлайди:

- эркек ва аёлларнинг жамиятдаги ролига нисбатан анъанавий стереотипларнинг мавжудлиги;
- хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги; қонунчиликда бўшлиқларнинг мавжудлиги;
- дастурлар ва дарсликларни, оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган кампанияларни қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирларнинг йўқлиги;
- хотин-қизлар ҳолатини яхшилашни таъминлаш бўйича мавжуд миллий механизмнинг имкониятлари ва аҳамиятининг етарли эмаслиги.

Одил судлов соҳасидаги юқорида айтиб ўтилганларга аниқлик киритган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, хотин-қизларнинг ўз ҳаётларига оид қарорларни мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқидан анъанавий тарзда маҳрум қилиш, таълим олиш ва ҳуқуқлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш имкониятининг етарли эмаслиги, мулкка, ерга эгалик қилиш ва бандлик соҳасидаги тенг имкониятларнинг чеклангани – буларнинг ҳаммаси хотин-қизларнинг одил судловга эришишига тўсқинлик қилувчи омиллар.

Аксарият мамлакатларда аёллар ҳуқуқини камситувчи қонунларнинг мавжудлиги муаммолигича қолмоқда. Бундан ҳам каттароқ муаммо қабул қилинган қонун нормаларини ижро этишдир. Гендер жиҳатдан бетараф (нейтрал) кўринган қонунлар амалиётда камситувчи оқибатларга олиб келиши кузатилиб туради. Хотин-қизлар ҳуқуқларини, хотин-қизлар ва эркеклар тенглигини кафолатлайдиган қонунлар эса қўлланилмаслиги мумкин. Бу эса хотин-қизларнинг жамиятдаги ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшмайди.

Шикоятларни қабул қилиш учун олинадиган тўловлар, судга киришнинг жисмонан имконияти йўқлиги ва давлат муассасалари иш вақтларининг чекланганлиги процессуал характердаги тўсиқларга киради. Кўплаб хотин-қизлар ва эркеклар суд тизимига ишонмайдилар ва шу сабабли судга мурожаат қилишга ҳатто уринмайдилар. Баъзилар эса зарур ресурсларнинг етишмаслиги ёки ўз ҳуқуқларини билмасликлари сабабли судга мурожаат қилмайдилар⁹.

⁹ Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича махсус маърузачи Габриэла Кнаульнинг маърузаси. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш. Ўн еттинчи сессия. Кун тартибининг 3-банди. Инсоннинг барча ҳуқуқлари, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни, шу жумладан, ривожланишга бўлган ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоя вилиш. БМТ. Distr.: General 29 April 2011. Russian. A/HRC/17/30.

Қишлоқ жойларида яшовчи хотин-қизлар, озчилик ёки маҳаллий туб аҳоли вакили бўлган хотин-қизлар, шунингдек, ногирон хотин-қизларнинг одил судловга эришишини таъминлашда институционал тўсиқларни, яъни суднинг узоқда жойлашганини, тегишли шарт-шароит ва инфратузилманинг мавжуд эмаслигини, тил бўйича тўсиқни ҳисобга олиш керак.

Шунингдек, қонуннинг ижроси билан боғлиқ бўлган институционал тўсиқлар ҳам мавжуд. Булар: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги коррупция; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жинсига кўра ёндашув, масалан, одам савдоси қурбонларига нисбатан; хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларининг етишмаслиги; хабардор қилинмаслик; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда аёл ходимлар сонининг етарли эмаслиги; кўп харажат талаб этиши сабабли одил судлов тизимига мурожаат қилишнинг қийинлиги ва ҳоказолар. Баъзи мамлакатларда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқларнинг тан олинмаслигига ёки ҳатто тенгсизликнинг институционаллашишига хотин-қизларнинг одил судловга эришиши йўлидаги жиддий тўсиқ сифатида қаралади. Аёл киши одил судловга эришиш имкониятига эга бўлиши учун ўз оиласидаги эркекнинг васийлигига таяниши кераклигини намоён этувчи эркек васийлигида айнан шундай ҳолат мавжуддир¹⁰. Баъзи ҳолатларда хотин-қизларга шикоят қилишга, гувоҳ сифатида иштирок этишга ёки ўз оиласидаги эркекнинг розилигисиз ёки эркекнинг ҳамроҳлигисиз судга келишга рухсат берилмайди.

Бу ҳолат васий ва зўравонликда тахмин қилинаётган ҳуқуқбузар бир шахс бўлиши мумкин бўлган оиладаги зўравонлик ҳолатида айниқса ташвишга солади. Бу, шунингдек, номусига тегиш ва бошқа турдаги жинсий ва гендер зўравонлик (ЖГЗ) ҳолатларида жиддий хавотирга солиб, биринчи навбатда хотин-қизларга зарар етказди, чунки бундай вазият уларнинг оиласи учун шармандалик ҳисобланади, натижада одил судловга эришиши учун ҳомий эркек томонидан тўсқинлик қилиниши мумкин.

Ижтимоий ва иқтисодий тўсиқларга нисбатан ўз ҳуқуқларидан беҳабар экани, саводсизлик, маълумотининг йўқлиги ва қариндош эркекларнинг ёрдамига ёки уларнинг ресуррига боғлиқ экани киради. Хотин-қизлар кўпинча ўзларига нисбатан содир этилган жиноятларни тергов қилиш ҳақида гап кетганда тартибот органлари ва суд каби давлат ҳокимияти органлари томонидан бефарқлик ёки жинсга асосланган ва стереотиплардан келиб чиқадиган ёндашувга асосланган муносабатларга ва бефарқликка дуч келадилар. Хотин-қизларни камситишга олиб келаётган турлича хато фикр ва стереотиплар ҳанузгача жамиятда сақланиб келмоқдан¹¹. Ресурсларнинг йўқлиги юристларнинг суд ишларини бошлашни истамаслигига олиб келади.

Шундай қилиб, тўсиқларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиш мумкин:

I. ҲУҚУҚИЙ ХАРАКТЕРДАГИ ТЎСИҚЛАР

Бундай тўсиқларнинг мавжудлиги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида БМТ Конвенцияси етарлича имплементация қилинмаганидан дарак беради. Уларнинг намоён бўлиши:

- Қонунчиликда жиноятга аниқ таърифнинг йўқлиги ёки жиноят таркибининг ноаниқ шакллантирилгани натижаси сифатида қонунчиликнинг етарлича гендер-сезувчан эмаслиги. Масалан, айрим мамлакатларда, шу жумладан, “Шарқий шериклик” мамлакатлари қонунчилигида **ҳар доим ҳам** жиноятнинг

¹⁰ Қаранг, масалан, CEDAW/C/SAU/CO/2, 21-банд; CEDAW/C/ARE/CO/1, 47-банд.

¹¹ Торосян Р. А. Международные стандарты гендерного равенства. // Государство и право. Юридические науки. – Изв. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Экономика. Управление. Право. – 2015. – Т. 15. – Вып. 3. – С. 347. DOI: <https://doi.org/10.18500/1994-2540-2015-15-3-347-352>

айрим турларини (масалан, номусга тегиш, унинг аломатларидан бири розилик эмас, балки мажбурлаш ҳисобланади) аниқ белгиламайди¹².

- Ҳозирги давр учун хос бўлган махсус қонун ҳужжатларининг йўқлиги ёки уларнинг ноаниқлиги. Чунки дунёнинг аксарият мамлакатларида (120 дан ортиқ) бундай қонунлар аллақачон қабул қилинган.
- Қонуннинг тегишли нормаларининг ноаниқлиги хотин-қизлар, уларнинг адвокатлари, фуқаролик жамияти вакиллари ва ҳаттоки давлат ҳокимияти органларига ҳам ушбу қонун нормасини амалга ошириш мумкин.

Қозоғистон

Тенг имкониятлар тўғрисидаги қонун нафақат жинс бўйича камситишга умумий тақиқни белгиламайди, балки, шунингдек, камситувчи ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши керак бўлган жазо ва жариманинг турлари тўғрисида ҳам батафсил кўрсатмаларга эга эмас.

Қонунда унинг қоидаларини ижро этиш учун фуқаролар ҳуқуқий муҳофазанинг қандай механизмларидан фойдаланишлари мумкинлигига аниқлик киритилмаган. Аксинча, камситувчи қонунчилик тўғрисида фуқаролик-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин деган қоида билан бир қаторда, қонунда унинг қоидаларини бузиш “Қозоғистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради” деган қисқача эслатма мавжуд, аммо жавобгарлик юзасидан айнан қайси қонунлар қўлланилиши юзасидан аниқлик киритилмаган.

Умуман олганда, қонунчиликда қонунларни ижро этиш ва қонун бузилишларини тузатишнинг самарали механизмлари назарда тутилмаган .

“Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонунда муайян ҳолатларда оиладаги зўравонлик хавфини камайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган¹³.

Бироқ қонунда тегишли процессуал тартиб назарда тутилмаган. Қонунчиликда “оиладаги зўравонликнинг индивидуал профилактикаси чораларини кўриш учун қуйидаги ҳолатлардан бири асос бўлади: жисмоний ва юридик шахслардан ариза ёки хабарнинг келиши” деб белгилаб қўйилган. Аммо бундай ариза бериш истагида бўлган хотин-қизларнинг кейинги ҳаракатлари тўғрисида қонунда қўшимча кўрсатмалар назарда тутилмаган. Шунингдек, хотин-қизлар қайси ваколатли органга мурожаат қилишлари кераклиги ҳам кўрсатилмаган¹⁴.

Камситиш тўғрисидаги фуқаролик ишлари суд муҳокамасида исботлаш мажбурияти тобора кўпроқ тахмин қилинаётган ҳуқуқбузар зиммасига юкланмоқда. У камситиш мавжуд эмаслигини исботлаши лозим ҳисобланади. Бироқ бундай аралаш исботлаш мажбурияти даъвогар камситиш ҳолати содир бўлган деб тахмин қилиш мумкин бўлган фактик ҳолатларнинг тасдиғини тақдим этганидан кейингина амалга оширилади¹⁵.

¹² <https://rm.coe.int/training-manual-final-russian/16807626a5>

¹³ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

¹⁴ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

¹⁵ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

Эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенглик тўғрисидаги Швейцария федерал қонуни (Loi fédérale sur l'égalité entre femmes et hommes) “исботлаш мажбуриятини энгиллаштириш”ни (яъни айнан даъвогар учун энгиллик) назарда тутди. Бунда агар жавобгар унинг ҳаракатлари камситиш билан боғлиқ эмаслигини исботлай олмаса, камситиш амалга оширилган деб ҳисобланади. Эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги масаласига оид ишларни судда кўриб чиқишда исботлаш мажбурияти жавобгар зиммасига юкланган.

II. ИНСТИТУЦИОНАЛ ТЎСИҚЛАР

- **Қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга қараганда кўпроқ анъана ва одатлар билан бошқариладиган муқобил/норасмий механизмлар.** Низоларни муқобил ҳал этиш деганда тўлақонли суд жараёни ўрнини босувчи механизмларнинг кенг доираси тушунилиши мумкин (масалан, арбитраж, медиация ва музокара жараёнлари). Айрим вазиятларда низони муқобил усулда ҳал қилиш фойдали бўлиши мумкин бўлса-да, гендер соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар хотин-қизларнинг одил судловга эришишга оид масалаларда уни қўллашда эҳтиёткор бўлишга чақиради. Оиладаги зўравонлик низоларини ҳал қилишнинг муқобил механизмлари зўравонлик содир этган шахс ва жабрланувчининг бир хил даражада айбдор экани ва ҳар иккиси ҳам муаммони ҳал қилиш учун ўз хатти-ҳаракатларини қайта кўриб чиқиши керак деган ёлғон фаразларга асосланади. Бундай ёндашув ушбу жиноятнинг жиддийлигини инкор этади, бундан ташқари, ушбу ёндашув қонун устуворлиги ва хотин-қизларнинг қонун олдидаги тенглиги ғояларига ҳам зиддир, чунки у хотин-қизларга нисбатан зўравонлик каби оғир жиноятларни одил судлов тизимининг асосий фаолиятидан чиқариб ташлайди¹⁶.
- **Юридик касбга эга мутахассислар орасида хотин-қизлар сонининг етарли эмаслиги.** Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, суд тизимида хотин-қизларнинг иштироки гендер тенг ҳуқуқлиликини таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда,¹⁷ масалан, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка оид ишларни кўриб чиқишда ҳақиқий ҳисса қўшиши мумкин¹⁸. Судларда, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларида ҳар икки жинс вакилларининг тенг иштироки (гендер хилма-хиллик/мувозанат) **судларнинг гендер сезувчанлигига ижобий таъсир қилиши мумкин. Хотин-қизлар суд жараёнини гендер-сезувчан бўлишига ёрдам беради**¹⁹, ва бунинг натижасида хотин-қизларнинг одил судловга эришишини яхшилашлари мумкин²⁰.
- **Одил судлов тизими ходимлари орасида гендер стереотиплари ва нотўғри фикрларнинг кенг тарқалгани, суд муҳокамаси пайтида иштирокчиларнинг жинсидан келиб чиқиб, олдиндан хулоса қилиш.** Суд муҳокамаси пайтида хотин-қизларнинг гендер тенгсизлик ва улар бўйича олдиндан хулоса қилиш ҳолатларига учрайдиган ҳолатлар кам эмас. Бу кенг тарқалган стереотипларнинг натижаси ҳисобланади. Аёл кишининг ўтмиши

¹⁶ <https://rm.coe.int/methodology-womens-access-to-justice-ru-pgg/16809c828c>

¹⁷ Christine M. Durham, Gender Equality in the Courts: Women's Work Is Never Done, 57 Fordham L. Rev. 981 (1989). Available at: <http://ir.lawnet.fordham.edu/flr/vol57/iss6/8>

¹⁸ Sandra Day O'Connor & Kim K. Azzarelli. Sustainable Development, Rule of Law, and the Impact of Women Judges // Cornell International Law Journal Vol. 44. P. 6.

¹⁹ Women in judiciary. https://shodhganga.inflibnet.ac.in/bitstream/10603/175292/16/16_chapter%206.pdf.

²⁰ Policy Brief Women in the Judiciary. A Stepping Stone towards Gender Justice. United Nations. Beirut, 2018: <https://www.unescwa.org/publications/women-judiciary-gender-justice-arab-countries>

тушунилмаганда ёки унга етарлича эътибор берилмаганда олдиндан асоссиз хулоса қилишга олиб келиши мумкин. Суд тизимида гендер стереотипизацияси бир қатор ҳуқуқларни бузади: камситилмасликка ва тенгликка бўлган ҳуқуқ, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситасига бўлган ҳуқуқ, одил судловга бўлган ҳуқуқ ва қонун олдида тенг бўлиш ҳуқуқи. Шундай қилиб, алоҳида олинган бирор ишнинг кўп жиҳатларига таъсир қилиши мумкин. Гендер стереотипизацияси одил судлов тизимининг асосларини – унинг холислиги ва оқилоналигига путур етказди ва судда хатоликларга ҳамда суд муҳокамаси жараёнида такроран жабрланишга олиб келади. Стереотипизация судьялар ва прокурорларнинг гувоҳ кўрсатмаларининг ишончилиги ва унинг ҳуқуқ субъекти экани тўғрисидаги фикрларига таъсир қилиши мумкин. Прокурор ўз стереотипларидан келиб чиқиб, жазо чорасини қўллашни сўраганда ва судья эса гендер зўравонлик иши бўйича ҳукми ўз стереотиплари таъсири остида ҳукм чиқарганда, содир бўлган ҳодиса учун жавобгарлик жабрланувчига юкланади ва, аксинча, жиноятчи эса қонуний жавобгарликка тортилмасдан қолади. Стереотиплар судьялар ва прокурорларнинг эътиқодларига ва гендер зўравонлик ҳақидаги тушунчаларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бузилганини аниқлаш қобилиятига таъсир қилади. Бу жинсий зўравонликка оид ишларда намоён бўлади, чунки жиноят ҳуқуқининг ушбу соҳасида ва назарияда ҳамда амалиётда стереотиплар кенг тарқалган²¹. Ва ниҳоят, суд тизимидаги гендер стереотипизация қонуний ҳуқуқларни амалга оширишга ва ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланишга тўсқинлик қилади. Оила ҳуқуқи соҳасидаги суд жараёнларига оилавий муносабатлар ва оилада гендер ролларининг тақсимланиши, айниқса, ота-она мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ кенг тарқалган нотўғри фикрлар таъсир қилади.

Стереотипизациянинг намоён бўлиши:

- ибораларнинг ноўрин ва/ёки бепарволик билан қўлланилиши (масалан, аёл жинсдаги шахсга нисбатан “қизлар” деб, эркак жинсдаги шахсларга нисбатан эса “эркаклар” деб мурожаат қилиниши, хотин-қизларга нисбатан “азизам”, “жонгинам”, “қизалоқ” ва ҳоказо деб мурожаат қилиниши);
- у ёки бу вазиятда эркак киши қандай ҳаракат қилиши ёки ўзини қандай ҳис қилишидан келиб чиқиб, хотин-қизларга баҳо бериш;
- “нормал аёл киши” ўзини қандай тутиши кераклигидан келиб чиқиб, хотин-қизларга баҳо бериш;
- гендер зўравонлик, масалан, оиладаги ёки жинсий зўравонлик контекстидаги даврийлигини ва унинг жабрланувчига таъсири каби ҳолатларни тушунмасликни намоён этиш;
- уй ишлари ва болаларни парвариш қилишнинг аҳамиятини тушунмасликни намоён этиш;
- даромад миқдори, уй ишлари ва балаларни парвариш қилиш каби масалалар бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги статистик фарқни тегишли тартибда ҳисобга олмаслик²².

Жинсий зўравонлик ҳолатларида ҳали ҳанузгача стереотиплар ва нотўғри фикрлар кучлилигича қолмоқда, жумладан, жинсий тажовузга учраган хотин-қизлар бунга ўзлари айбдор деган тасаввур кенг тарқалган. Бундан ташқари, оилавий муаммолар оиладан ташқарида эмас, балки хусусий равишда оила даврасида ҳал қилиниши керак деган кенг тарқалган фикр

²¹ <https://rm.coe.int/training-manual-final-russian/16807626a5>

²² <https://rm.coe.int/methodology-womens-access-to-justice-ru-pgg/16809c828c>

оиладаги зўравонлик ҳолатларида одил судловга мурожаат қилишни хоҳлайдиганларнинг сонини камайтирадиган омил ҳисобланади.

Масалан, сўнгги 15 йил давомида Австралия, Англия ва Уэльс, Канада, Америка Қўшма Штатлари ва Шотландиянинг ҳуқуқий тизимларида номусга тегиш ва жинсий зўравонликка оид ишларни кўриш тартибига бағишланган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, номусга тегиш ва жинсий зўравонлик бўйича 14% ҳолатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилган, 8% ҳолатда суд томонидан кўриб чиқилган ва фақат 4,5% ҳолатдагина айблов ҳукми чиқарилган²³.

- **Суд тизимига ишончнинг йўқлиги.** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти шу қадар кучсизки, жабрланганларнинг катта қисми ўз ҳуқуқларини қонун ёрдамида ҳимоя қилмасликни афзал кўришади.

Тожикистон

Жамиятнинг оиладаги зўравонликни анъанавий кундалик ҳодиса сифатида қабул қилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг оиладаги зўравонликдан жабрланганларга нисбатан бепарво муносабатида ҳам намоён бўлади.

Хотин-қизлар кўпинча таъқиб қилувчиларга айбловларни рад этишларига мажбур қилинадилар; кейинчалик улар эрларига нисбатан тухмат тарқатишда айбланиб, уларга нисбатан жазо чоралари қўлланилади. Буларнинг барчаси хотин-қизларнинг юридик ёрдам олиш йўлидаги ҳақиқий тўсиққа айланиб, адолатга интилиш маъносиз деган нотўғри фикрни келтириб чиқаради, чунки аёллар кучсиздир²⁴.

Хотин-қизларнинг аксарияти уят, ўтмишни қўзғатишни истамаслик, давлат органларига, шу жумладан, судларга бўлган ишончсизлик сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайдилар.

Қирғизистон

2015 йилда ўтказилган халқаро тадқиқот натижаларига кўра, жинсий зўравонликдан жабрланганларнинг 62 % милицияга мурожаат қилмаган. 15 йил давомида республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари 20 мингдан ортиқ оиладаги зўравонлик ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатишдан бош тортган.

Ўшда ўтказилган журналистик текширув давомида “оиладаги жанжал” тўғрисида хабар келгандан сўнг милиция ходимлари жойларга бориб кўрган ҳолатларда 42 айбланувчидан биттасини суд айбдор деб топгани аниқланди. Шу билан бирга, ишларнинг аксарияти судда фақат маъмурий жаримани назарда тутувчи безорилик ёки баданга енгил шикаст етказиш сифатида квалификация қилинади; суд томонидан кўриб чиқилган оиладаги зўравонлик тўғрисидаги даъволарнинг умумий сонидан атиги 7 % жиноят ишларини қўзғатишга олиб келди²⁵.

- **Зўравонликдан жабрланганларга ёрдам кўрсатадиган махсус тузилмаларнинг етишмаслиги ёки самарасизлиги:**

²³ <https://rm.coe.int/training-manual-final-russian/16807626a5>

²⁴ https://www.karat.org/wp-content/uploads/2012/01/Women_Access_To_Justice_RUS_26032012.pdf

²⁵ https://kaktus.media/doc/353694_feministki_trebyut_spravedlivogo_dostypa_k_pravosydiu_jenshinam._peticiia.html

- умуман мавжуд эмаслиги;
- етарлича миқдорда эмаслиги;
- зарур маблағнинг етарли эмаслиги.

Қозоғистон

Ҳозирги вақтда Қозоғистондаги инқироз марказлари ва вақтинчалик яшаш уйларининг сони барча муҳтожларнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмаслиги аниқ. Улар жамоат ташкилотларининг эгалигида бўлиб, асосан ҳайрия маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Давлат томонидан молиялаштириш жуда кам амалга оширилади²⁶.

III. ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ТЎСИҚЛАР, Бу тўсиқлар хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеининг пастлиги, таълим олмаганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончининг йўқлиги, билим даражасининг пастлиги ва ҳоказолар билан боғлиқ.

- **Ўз ҳуқуқлари ҳақида етарлича билимга эга эмаслик.** Хотин-қизлар билим даражасининг пастлиги ва ҳуқуқий саводсизлиги (масалан, қишлоқ жойларда қизлар кўпинча мактабга юборилмайди ва ўспиринлик даврида турмушга берилади). Ўз ҳуқуқларини билмайдиган, эрларининг муносабатидан ва жамият фикридан қўрқадиган, яшаш учун маблағга эга бўлмаган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва давлат идораларига ишонмайдиган, ҳатто психологик кўмакка умид қилмайдиган хотин-қизлардан нафақат халқаро миқёсда, ҳатто ўз давлати миқёсида ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга интилишларини кутиш муаммо²⁷.

Қозоғистон

Хотин-қизлар ўз ҳуқуқларини билмайдилар ва ҳуқуқий саводсиз ҳисобланадилар. Маълумотларни тарқатиш ва хотин-қизлар хабардорлигини оширишга қаратилган мавжуд амалдаги дастурлар молиявий имкониятлари фаолият доирасини сезиларли даражада чеклайдиган жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади²⁸.

- **Жамиятдаги гендер стереотиплар.** Камситиш/зўравонликдан жабрланган шахсда уят, қўрқув, ўзини айблаш ва айбдорлик ҳисси; ўзининг эри ва фарзандларининг отаси ҳисобланган тажовузкор шахсга қарши судга мурожаат қилаётгани сабабли оила ва жамият аъзолари томонидан айбланиши; фарзандларини хавф остига қўйиш ёки уларни йўқотишдан қўрқиш²⁹. Оилавий муаммоларни оиланинг ташқарисида эмас, балки шахсий муаммо сифатида оила даврасида ҳал қилиш керак деган кенг тарқалган фикр хотин-қизларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаатлари сонини камайтирадиган омил ҳисобланади³⁰.

Қозоғистон

²⁶ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

²⁷ https://www.karat.org/wp-content/uploads/2012/01/Women_Access_To_Justice_RUS_26032012.pdf

²⁸ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

²⁹ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

³⁰ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

Қозоғистон қонунчилигида гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларга нисбатан камситишни тақиқлашга қаратилган бир қатор конституциявий, фуқаролик ва жинойт-ҳуқуқий нормалар мавжудлигига қарамасдан, хотин-қизлар судларда ёки одил судловни амалга оширадиган мамлакатнинг бошқа органларида қонунчиликнинг ушбу қоидаларига мурожаат қилмайдилар. Хотин-қизларнинг давлат органи вакиллари ёки хусусий сектор субъектлари томонидан камситилгани учун одил судловга эришиш ҳолатлари маълум эмас. Ёки бундай шикоятлар умуман берилмайди ёки уларнинг сони жуда оз. Худди шу тарзда, хотин-қизларга нисбатан камситиш бўйича ишлар бўйича суд амалиётини топишнинг имкони бўлмади³¹.

Озарбайжон

Патриархал ҳаёт тарзига асосланган анъанавий қадриятлар тизими (айниқса, мамлакатнинг вилоятларида) аёл кишининг ёлғизлиги, турмуш қургани ёки ажрашганидан қатъи назар, хотин-қизларни ноқулай аҳволга солади. Оиладаги зўравонликдан жабрланган кўпгина хотин-қизлар учун ўз давлатида одил судловга эришишига интилиш кўпол муносабатга чидаган ҳолда оилада яшаш ва жабрланувчини ҳар доим ҳам қаноатлантирмайдиган узоқ давом этадиган суд жараёнини бошлашдан бирини танлашни англатади; кўп ҳолларда ажрим пайтида аёллар ижтимоий ҳимояланмаган. Шу сабабли оиладаги зўравонликдан жабрланганларнинг оз қисми хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя орқали амалга оширишни танлагани ажабланарли эмас³².

Қирғизистон

Зўравонликка учраган ўғирлаб кетилган хотин-қизларнинг аксарияти давлат даражасида адолатга эришишга ҳаракат қилмасликларининг асосий сабабларидан бири қизлар анъанавий қадрият ва амалиётлар асосида тарбиялангани ва бундай қадрият ва амалиётлар жинс бўйича камситишга “ҳисса қўшиш”ига ва давлатнинг амалдаги қонунчилигига зид эканига қарамасдан, мавжуд таълим тизими уларга қарши чиқмаётганлигидир³³.

Шундай қилиб, одам ўғирлаш ва мажбурий никоҳ қурбонларининг аксарияти ҳатто давлат уларнинг ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлашига имкон бермайди. Қолганлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг реакциясидан қўрқади, чунки маҳаллий жамиятда уларга бўлган ишонч жуда пастдир. Ўғирлаб кетилган аёл қаттиқ психологик босим остида бўлади: у нафақат қарғишга қолиш ёки ўғирлаб кетган одам ва унинг қариндошлари томонидан кейинчалик таъқибга учрашдан қўрқади, балки энг аввало ўзининг қариндошлари, қўшнилари ва танишлари салбий муносабат билдиришидан хавфсирайди. Бу шахсий муаммоларни жамоатчиликка ошкор қилмаслик кераклиги ҳақидага чуқур илдиз отган эътиқод билан боғлиқ. Сабаби бу оилага шармандалик келтириши мумкин ва шунинг учун аёл ўз тақдирига шунчаки тан бериши керак бўлади. Натижада ўғирлаб кетилган аёлларнинг аксарияти онсон кўндирилиб, ўғирлаб кетганларнинг уйларида қолмоқдалар. Уларни кўпинча жисмоний ва руҳий мажбурлашади, калтаклашади, зўрлашади, хўрлашади ва оғир ишларни қилишга мажбурлашади.

Вьетнам

³¹ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

³² https://www.karat.org/wp-content/uploads/2012/01/Women_Access_To_Justice_RUS_26032012.pdf

³³ https://www.karat.org/wp-content/uploads/2012/01/Women_Access_To_Justice_RUS_26032012.pdf

Вьетнамда патриархал меъёрлар, гендер зўравонлик одатда “нормал” ҳисобланадиган ва хотин-қизларга ушбу зўравонликка қарши жиноят ишлари бўйича одил судлов тизимидан ташқарида курашиши тавсия этиладиган жамиятни яратди. Натижада хотин-қизларга нисбатан зўравонлик бўйича ва кўпинча жабрланганларга жиноят ишлари бўйича суд тизимига мурожаат қилишдан аввал оилада ечим топиш учун ўз маҳаллий ҳамжамиятларида мавжуд яраштириш бўйича воситачиларга мурожаат қилиш тавсия этилади³⁴.

IV. Хотин-қизларнинг инсон ҳуқуларини жиддий равишда чеклайдиган ва уларнинг одил судловга эришишига тўсқинлик қиладиган иқтисодий тўсиқлар³⁵. Асосий тўсиқлардан бири – бу молиявий ресурсларнинг, шу жумладан, адвокатларнинг хизматлари учун тўловлар, юристлар учун хизмат ҳақи, давлат божлари, транспорт ва бола парвариши учун қилинадиган харажатлар каби харажатлар учун маблағларнинг етишмаслиги. Ресурсларнинг чеклангани хотин-қизларнинг одил судловга мурожаат қилиш имкониятига таъсир қилади, чунки улар одатда ўзларининг шерик-эркакларига молиявий жиҳатдан қарам бўладилар. Бунинг натижасида улар кўпинча шерикларининг розилигисиз ёки келажакда молиявий кўмакни йўқотиш хавфи бўлмасдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайдилар. Шубҳасиз, бундай қарамлик оиладаги зўравонлик ва ажралиш бўйича ишларда алоҳида оқибатларга олиб келади³⁶.

Аёлларнинг ўз эрларига ва уларнинг оилаларига иқтисодий жиҳатдан қарамлиги муаммоси мавжуд (масалан, Озарбайжон ва Қирғизистонда эрта никоҳ қуриш анъаналари аёлларни уй бекаси ролига маҳкум қилади ва натижада уларнинг ўз пулларини ишлаб топиш имконияти бўлмайди)³⁷. Аёлларнинг одил судловга эришиш ҳуқуқидан фойдаланишга қарор қилишига юридик ёрдам олиш учун ва ажрашгандан сўнг ўзини, фарзандларини таъминлаш учун ўз маблағларининг йўқлиги ҳам таъсир этади. Ота-оналар ўз қизларини вояга етмасдан турмушга беришган ҳолларда қизлар, одатда, мактабни тарк этишади ва зарур таълимни олмайдилар. Бу уларнинг кейинги ҳаётига таъсир қилади, чунки аёллар маълумоти пастлиги туфайли муносиб иш топишлари жуда қийин бўлади³⁸.

³⁴ <https://www.unodc.org/unodc/ru/frontpage/2013/November/women-still-face-many-difficulties-accessing-justice-in-viet-nam.html>

³⁵ Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов Габриэлы Кнауль. 2011. – п. 22. С. 6 A/ HRC/17/30.

³⁶ <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2013/11/Women%E2%80%99s-Access-to-Justice-in-Kazakhstan-Rus-Interactive.pdf>

³⁷ https://www.karat.org/wp-content/uploads/2012/01/Women_Access_To_Justice_RUS_26

³⁸ https://www.karat.org/wp-content/uploads/2012/01/Women_Access_To_Justice_RUS_26032012.pdf



IV. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА КЎРИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

1. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШ ҲУҚУҚИНИНГ ҚОНУНЧИЛИКДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Хотин-қизлар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва суд орқали самарали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқининг юридик жиҳатдан эътироф этилиши хотин-қизларнинг одил судловга эришиш ҳуқуқини амалга оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Хотин-қизларнинг суд орқали самарали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқини тан олиш хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаларига бўлган ҳуқуқини ва адолатли суд муҳокамасини кафолатларига бўлган ҳуқуқини тан олишга олиб келади³⁹. Ушбу ҳуқуқ, шунингдек, ҳуқуқлар бузилган тақдирда компенсация олиш ҳуқуқини ва реабилитация чораларини назарда тутди.

Гендер тенглик ва оиладаги зўравонлик (оилавий-маиший зўрлик) тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши хотин-қизларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини қонунчиликда мустаҳкамлашнинг бир мисолидир. Ушбу чоралар хотин-қизларнинг одил судловга эришиш имкониятини (айниқса, зўравонлик ҳолатларида) ошириш учун амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар бундай қонунлар дунёнинг 125 дан ортиқ мамлакатада, жумладан, Исландия, Дания, Норвегия, Швеция, Финляндия, Швейцария, Франция, Литва, Австралия каби давлатларда қабул қилинган. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украинада гендер тенгликни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Исландия, Финляндия, Нидерландия, Дания ва Швеция кўпгина жаҳон гендер индексларида (рейтингларида) хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш даражаси бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган етакчи мамлакатлар ҳисобланади. Ушбу давлатларнинг барчасида гендер тенглик тўғрисида, хотин-қизларни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш тўғрисида, квоталарни, шу жумладан, маҳаллий даражада ҳам жорий этиш тўғрисида қонунлар амал қилади.

Ўзбекистонда судга мурожаат қилишга оид қонунчилик нормалари (хусусан, барча кодекслар) гендер жиҳатдан нейтрал бўлиб, ҳеч қандай камситишсиз ҳар кимнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК. 3-модда. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли.

³⁹ Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов Габриэлы Кнауль. 2011. – п. 38. С. 6 А/НRC/17/30.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК. 16-модда. Одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш

Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, 2019 йилда Ўзбекистонда иккита қонун қабул қилинди. Булар – “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун⁴⁰ Ҳар икки қонунда суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи тўғрисида алоҳида модда мавжуд.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН. 28-модда. Жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилиш

Агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

“ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН. 4-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқлари

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

- махсус марказларда, шунингдек, бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

<...>

- содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

2. ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАҚИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ХАБАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Хотин-қизлар ўз ҳуқуқлари ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун мавжуд барча механизмлар тўғрисида билимга эга бўлишлари лозим⁴¹. Барча инсонлар, айниқса, заиф тоифага кирувчи хотин-қизлар ва эркаклар ўз ҳуқуқлари ва уларга амалда қандай эришиш мумкинлиги ҳақида билишлари лозим.

⁴⁰ <https://lex.uz/docs/4494873>

⁴¹ Хотин-қизлар ҳуқуқи – бу инсон ҳуқуқи. 2014..

Аҳолини қонуний ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш механизмлари билан яхшироқ таништириш учун новаторлик усуллари билан – радиода эшиттиришлар, театрлаштирилган томошалар ва кўргазмали воситалардан фойдаланиш мумкин.

Баъзи мамлакатларда паралегаллар қишлоқ жойларда айрим тоифадаги шахслар ва анъанавий оқсоқоллар билан ишлайди. Паралегалларни ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш заиф тоифага кирувчи хотин-қизлар ва эркаларга, айниқса, қишлоқ жойларда кўмаклашишнинг самарали усули бўлиши мумкин.

Бугунги рақамлаштириш шароитларида ахборот технологиялари, интернет, ижтимоий тармоқларнинг имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ҳуқуқий саводхонлик ва хабардорликни ошириш мақсадида мобил иловалар яратиш, мутахассислар учун эса гендер масалалари бўйича онлайн курслар ташкил этиш мумкин.

Тегишли идораларнинг веб-сайтларидаги маълумотлар мазмунини, фойдаланувчилар учун очиқлиги ва қулайлигини таъминлаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “**Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида**”ги фармони билан Advice.uz Миллий ҳуқуқий интернет-портал яратиш ва “Мадад” нодавлат ноижорат ташкилотини ташкил этиш вазифаси қўйилган эди. Республиканинг турли шаҳар ва туманларида ушбу ташкилотнинг филиаллари ва юридик бюроларини ташкил этиш кўзда тутилган. “Мадад” ўзбекистонликларга ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтиришлар ва онлайн маслаҳатлар бериш орқали бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, Advice.uz (e-maslahat.uz) ҳуқуқий порталининг доимий янгиланиб туришини таъминлайди..

Маълумот учун: Citizens Advice – бу Буюк Британиянинг 316 та мустақил хайрия ташкилотларидан иборат бўлган, фуқароларга бепул юридик маслаҳат берувчи тармоқ. Тармоқ 1939 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда тармоқда 7 000 нафар ходим ва 22 000 дан ортиқ кўнгилчилар ишлайди.

Порталда қуйидаги ҳуқуқий масалалар бўйича маълумотлар олиш мумкин:

- меҳнат ҳуқуқи;
- фуқаролик/миграция;
- паспорт тизими;
- оилавий муносабатлар;
- уй-жой коммунал хўжалиги;
- фуқаролик тадбиркорлиги;
- ижтимоий таъминот масалалари;
- соғлиқни сақлаш;
- банк, солиқ масалалари;
- транспорт қонунчилиги;
- давлат хизматлари;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- таълимга оид қонунчилик;
- суд-ҳуқуқ масалалари, ҳуқуқий ҳимоя;
- мажбурий ижро бюроси, низоларни ҳал этиш;
- ҳарбий хизмат ҳақида маълумот.

Порталда жойлаштирилган барча маълумотлар тавсиявий характерга эга ва маълум бир муаммонинг ҳуқуқий ечимини тезда топишга қаратилган⁴².

⁴² <http://advice.uz/ru#/about>

3. БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Миллий ва халқаро адвокатлар ассоциацияси муҳтож мижозлар манфаатларининг “про боно” (бепул ёки чегирмалар билан) асосида ҳимоя қилинишини рағбатлантиради. Юридик фаолият билан шуғулланиш мақсадида лицензия олиш учун юрист “про боно” асосида маълум вақт мобайнида ишлаб бериши керак бўлган тизим самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Юридик клиникаларни ташкил этиш ва адвокатлар ассоциацияси ҳамда ННТлар билан ҳамкорлик қилишни йўлга қўйиш орқали юридик таълим муассасалари ҳам ёрдам бериши мумкин.

Масалан, кам таъминланганларнинг одил судловга эришишини енгиллаштириш мақсадида, бепул давлат ҳимоясини тақдим этиш тизими назарда тутилиши мумкин⁴³.

Бошпана (зўравонликдан жабрланганлар учун бошпана) ташкил этиш хотин-қизларга оид кенг тарқалган амалиётга айланди.

Масалан, Грузияда Конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш маркази ҳузуридаги Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази хотин-қизларга меҳнат қонунчилиги, оила қонунчилиги, оиладаги зўравонлик ва қиз ўғирлаш бўйича ҳуқуқий маслаҳат беради ҳамда бундай ишлар бўйича судда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилади. Марказда ишонч телефони (горячая линия) таъминланган бўлиб, у орқали хотин-қизларга аноним маслаҳатлар берилади ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳақида маълумотлар тарқатилади. Бундан ташқари, Марказ томонидан мамлакатнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи хотин-қизлар учун хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича бир қатор семинарлар ўтказилди.

2010 йил июль ойида Грузия Адлия вазирлиги ўзининг ҳар бир минтақавий бошқармалари қошида бепул юридик ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этди. Аммо ҳозирги кунда вазирликнинг молиявий кўмаги етарли эмаслиги сабабли, ушбу марказларнинг фаолияти самарасиз.

Польшада суд тизими вакиллари (пробация ходимлари, стажер судьялар ва судьялар) ҳар йили ўтказиладиган “Зўравонликдан жабрланганларга бепул ёрдам кўрсатиш ҳафталиги: очик судлар” тадбири давомида хотин-қизларга зўравонликдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари тўғрисида бепул маълумот ва ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

Тожикистоннинг мустақил нодавлат ташкилоти бўлган ИНИС хотин-қизлар учун адвокатлик марказларини ташкил этди, шунингдек, фаолият юритаётган инқироз марказлари, бошпаналар, тиббиёт муассасалари, жамоат ва хотин-қизлар марказларининг тармоқлари орқали хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳат беради.

Энг яхши хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам бепул юридик ёрдам кўрсатиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда: юридик клиникалар фаолият юритмоқда, “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилмоқда⁴⁴, ишонч телефонлари (масалан, 1146 – зўравонликдан жабрланганлар учун) ишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида назарда тутилган хотин-қизлар учун реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларининг ташкил этилиши муҳим қадам бўлди.⁴⁵

⁴³ Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов Габриэлы Кнауль. 2011. – п. 41. С. 6 A/ HRC/17/30.

⁴⁴ Проект закона опубликован на <https://regulation.gov.uz/uz/document/4329>

⁴⁵ <https://www.lex.uz/ru/docs/3804813>

“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ жабрланувчи тазйиқ ва зўравонлик туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинишини таъкидлаш лозим (4-модда).

4. ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ТЕЗКОР ВОСИТАЛАРИ ВА КОМПЕНСАЦИЯ

Давлатлар инсон ҳуқуқлари бузилган хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг тезкор воситаларидан фойдаланиш имконини ва компенсация тўланишини, ҳуқуқбузар таъқиб қилиниши ва жазоланишини, шунингдек, ушбу механизмлардан фойдаланиш имконини таъминлаши шарт.

Хотин-қизларнинг одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган ижобий амалиётлардан бири “ягона дарча” деб номланган хизмат ҳисобланади. Улар миқозга бир жойда комплекс тарзда хизмат кўрсатишни таъминлайди. Бунда хотин-қизлар тиббий маслаҳатдан юридик маслаҳатгача бўлган барча зарур хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади ва бу билан сансалорлик ва тегишли харажатлар камаяди.

Зўравонликдан жабрланганлар, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи хотин-қизларга одил судловни яқинлаштира оладиган ихтисослаштирилган ва сайёр судлар хотин-қизларнинг одил судловга эришишини амалий жиҳатдан осонлаштиришнинг яна бир муваффақиятли мисоли ҳисобланади. Бу гендер асосида зўравонлик каби муаммолар билан самаралироқ курашиш имконини беради.

Бельгияда Адлия вазирлиги ва Оиладаги зўравонлик бўйича жиноий сиёсат масалалари бўйича Бош прокуратура қошидаги Кенгаш томонидан оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг устувор тамойилларини белгиловчи кўшма циркуляр (фармойиш) қабул қилинди.

Испанияда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича ихтисослаштирилган прокуратура ва ҳам жиноят ҳуқуқи, ҳам фуқаролик ҳуқуқи бўйича ваколатга эга ихтисослаштирилган судлар ташкил этилди. Судлар ҳимоя қилиш буйруғини (жабрланувчи томонидан полицияда, тинчлик (магистрлар) судлари, прокуратура ёки хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат марказларида рўйхатга олинган) олиш бўйича барча аризаларни ўрганиб чиқади ва 72 соат ичида қарор қабул қилади. Ихтисослаштирилган судларнинг судьялари гендер зўравонлик масалалари бўйича ўқишлари шарт. Қонун судлар билан ҳамкорлик қилувчи жабрланганларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этишни назарда тутувчи оиладаги зўравонлик муаммолари билан ҳуқуқий тизим доирасида ва ундан ташқарида курашишга йўналтирилган кўп тармоқли комплекс ёндашувни белгилайди. Ушбу истиқболли ташаббус жабрланганларга одил судловга эришишга ва бир-бирига зид бўлган қарорларни қабул қилинишининг (масалан, амалга оширилган зўравонлик сабабли ажрашишга розилик берилган, жиноят суди эса жиноятчини айбсиз деб топади) олдини олишга қаратилган.

Ўзбекистонда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда “ягона дарча” тамойили бўйича мурожаат қилганларга комплекс ёрдам кўрсатиши керак бўладиган марказларнинг ташкил этилиши назарда тутилган.

“ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН

4-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқлари

<...> содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

27-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар (бундан буён матнда махсус марказлар деб юритилади) ташкил этиши мумкин.

5. СУДЬЯЛАР ВА АДВОКАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Хотин-қизларнинг одил судловга эришиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича давлат кафолатининг муҳим жиҳатларидан бири судьялар ва адвокатларни хотин-қизлар ҳуқуқларига оид масалалар бўйича ва гендер масалаларига ҳушёрлик билан муносабатда бўлишга ўқитишдир. Полиция ва суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш ва ушбу тузилмалар фаолиятида гендер жиҳатларни инобатга олиш ҳам уларнинг гендер муаммоларига сезувчанлигини ошириш ва хотин-қизларга ёрдам олиш ёки ўзларини ҳимоя қилишларини осонлаштириши мумкин⁴⁶.

6. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШНИ ТАЪМИНЛАШНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

Нафақат юқоридаги чора-тадбирларни кўриш, балки уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш ҳам муҳимдир⁴⁷. Жаҳон тажрибаси мониторинг аниқ белгиланган кўрсаткичлар асосида ҳам сифат жиҳатидан, ҳам миқдор жиҳатидан амалга оширилиши кераклигини кўрсатди. Умуман олганда, ва, хусусан, хотин-қизлар учун одил судловнинг самарадорлигини баҳолаш учун гендер индикаторларини ишлаб чиқиш ва суд фаолиятини таҳлил этиш амалиётига жорий этиш муҳим.

Жаҳон миқёсида *52 та индикаторни ўз ичига олувчи БМТнинг Гендер индикаторлари минимал тўплами ишлаб чиқилган. Улардан 4 таси “Гендер ва одил судлов” масаласига оиддир (“одил судлов” атамаси фақат суд тизимини англатувчи атама сифатида эмас, балки кенг маънода қўлланилган): аёл-судьяларнинг сони; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишловчи хотин-қизларнинг сони; жинсий шериги томонидан зўравонликка учраган жабрланувчиларнинг сони; бошқа шахслар (жинсий шеригидан ташқари) томонидан зўравонликка учраган жабрланувчиларнинг сони.*

2019 йил 7 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ПҚ-4235-сонли Қарори⁴⁸, қабул қилинди. Унда 54 та гендер кўрсаткичлари белгиланди ва шундан 4 таси одил судловга оид кўрсаткичлар ҳисобланади:

- аёл-судьяларнинг сони;
- ички ишлар ходимлари орасида хотин-қизларнинг улуши;

⁴⁶ Хотин-қизлар ҳуқуқлари – бу инсон ҳуқуқлари. 2014.

⁴⁷ МШЕ ваМО давлатларида хотин-қизларнинг одил судловга эришиш имконияти. Қарат, 2012.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. Қуйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <https://lex.uz/ru/docs/4230938>

- бирор марта бўлса ҳам, яқин шериги бўлган ва ҳозирги ёки аввалги яқин шериги томонидан жисмоний ва/ёки жинсий зўравонликка сўнги 12 ой ичида учраган хотин-қизларнинг (15–49 ёш оралиғидаги) улуши;
- 15 ёшдан бошлаб яқин шериги ҳисобланмаган бошқа шахслар томони-дан жинсий зўравонликка учраган хотин-қизларнинг (15–49 ёш ора-лиғидаги) улуши.

Бундан ташқари “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларда гендер статистикаси ва индикаторлар тўғрисида қоидалар мавжуд.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун 8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш

Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 16-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботи

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек, зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

Хотин-қизлар одил судловга эришишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. “Гендер тенглик”, “камситиш”, “камситишдан жабрланганлар”, “хотин-қизларга нисбатан зўравонлик”, “шаҳвоний шилқимлик қилиш” тушунчаларига аниқ таъриф беришни таъминлаш. Суд муҳокамасининг предмети билан боғлиқ бўлмаган жабрланувчининг жинсий тажрибаси, хулқ-атвори ёки обрўси тўғрисидаги маълумотдан фойдаланишни чеклашга ёки тақиқлашга қаратилган номусга тегишдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш. Бундай қонунларнинг қабул қилинишининг зарурияти кўпинча далилларнинг шунга ўхшаш шакллари жабрланувчи кўрсатмаларининг ишончлилигига эътироз билдириш учун ишлатилиши ва, шунингдек, жабрланувчининг шахсий ҳаётини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқини бузиш мумкинлиги билан боғлиқдир.

Номусга тегишдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар Канадада, Бирлашган Қиролликда ва Америка Қўшма Штатларида қабул қилинган⁴⁹.

2. Хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари бузилишидан жабрланганларни қўллаб-қувватлашнинг комплекс тизимини яратишни таъминлаш (шу жумладан, бошпана, ишонч телефони, бепул психологик ва тиббий ёрдам, хотин-қизлар ҳуқуқларини бузган

⁴⁹ Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему усилению гарантий трудовых прав и поддержке предпринимательской деятельности женщин». Доступно на <https://lex.uz/ru/docs/4230938>

айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, жабрланганларга мос равишда компенсация тўлаш).

Испанияда 2004 йилда гендер зўравонлик ҳолатларида ҳимоя қилишнинг комплекс чоралари тўғрисида қонун қабул қилинди (1/2004-сонли органик қонун). Оиладаги зўравонликка оид бўлган айрим ҳуқуқбузарлик турлари бўйича тезкор суд муҳокамасини амалга ошириш жорий этилди. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича ихтисослаштирилган прокуратура ва ихтисослаштирилган судлар ташкил этилди.

Судлар ҳимоя буйруғини олиш учун тақдим этилган барча аризаларни ўрганиб чиқади ва 72 соат ичида қарор қабул қилади.

Ихтисослаштирилган суд судьялари гендер зўравонлик масалалари бўйича таълим олишлари шарт⁵⁰.

Меҳнат муносабатларида хотин-қизларнинг одил судловга эришиши. Швейцария ҳуқуқига мувофиқ исботлаш мажбурияти жавобгарга ўтиши учун аёл билан бир хил ишни бажарадиган ва ўхшаш лавозимда ишлайдиган эркак ундан кўра кўроқ иш ҳақи олишини (масалан, хотин-қизлар ўша қийматдаги меҳнати учун 15-25 % камроқ ҳақ оладилар) исботлашнинг ўзи етарли ҳисобланади. Иш берувчи муносабатидаги тенгсизликни асословчи объектив сабаблар мавжудлигини исботлаши шарт; бунда асосларнинг аҳамияти камситиш даражасига мутаносиб бўлиши керак. Исботлашнинг бундай қоидалари даъвогарнинг исботлаш мажбуриятини енгиллаштиради, шунингдек, далилларга нисбатан қатъий талабларсиз камситиш мавжудлиги ҳақида қарор чиқариш мумкинлиги билан суднинг ишини осонлаштиради. Ушбу ёндашувнинг мақсади меҳнат соҳасида камситиш муаммоси борлигини тан олишдир⁵¹.

3. Судлар оилавий низоларни медиацияга тақдим этишдан аввал оила тарихида зўравонлик ҳолатлари бўлган ёки бўлмаганини аниқлаш учун текшириш тартиб-таомилини ишлаб чиқишлари керак. Суд ходимлари ва медиаторлар бундай текширувларни қандай ўтказиш ва махфийликни сақлаш бўйича ўқитилишлари лозим.

Истамбул конвенцияси

Фуқаролик ишларида ҳушёрлик. Судьялар низони келишув йўли билан ҳал қилиш мақбуллиги масаласини кўриб чиқиши ва келишув битими тузиш мақсадида **хотин-қизларга босим ўтказилмаслиги учун** эътиборли бўлиши керак⁵².

4. Масалан, судьялар ёки судьяликка номзодлар учун квоталарни жорий этиш орқали аёл-судьялар сонини ошириш.

5. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг муҳим масалалари, шунингдек, гендер стереотиплари ва жинсга асосланган нотўғри фикрларга қарши курашиш бўйича мунтазамолиббориладиган тегишлитаяълимниривожлантириш; гендер стереотипларига қарши курашиш бўйича судьялар ва прокурорлар томонидан қўлланиладиган илғор амалиёт ва чора-тадбирларга мисоллар ҳақида хабардор қилишни таъминлаш; судья учун мураккаб ёки нотаниш бўлган масалалар юзасидан судьяга маълумотлар тақдим этиш учун суд маслаҳатчилари ва экспертларнинг ихтисослаштирилган хулосаларини

⁵⁰ <https://rm.coe.int/methodology-womens-access-to-justice-ru-pgg/16809c828c>

⁵¹ <https://rm.coe.int/methodology-womens-access-to-justice-ru-pgg/16809c828c>

⁵² <https://rm.coe.int/methodology-womens-access-to-justice-ru-pgg/16809c828c>

олишни кафолатлаш⁵³. Махсус билимларга эга экспертлар судга жабрланганлар бошидан ўтказаетган номусга тегиш жароҳатининг синдроми, жароҳатдан кейинги синдром ва зўравонлик цикли, шунингдек, боланинг манфаатини аниқлаш каби мураккаб ҳолатларни тушунишга ёрдам беради. Экспертларнинг кўрсатмалари, шунингдек, номусига тегилган “одатдаги” жабрланган шахснинг хатти-ҳаракатлари ҳақидаги афсоналар каби гендер стереотиплари самарали ёрдам беради⁵⁴.

Канада олий суди 17 ёшли қизга жинсий тажовуз қилинганлигида гумон бўйича давлатнинг Эванчукка қарши берган даъвоси (R v. Ewanчук) бўйича суд ишида жавобгарнинг “тахмин қилинган розилик” деган важи билан уни жавобгарликдан озод қилган қуйи инстанция суди чиқарган қарорни бекор қилди. Олий суд қуйи инстанция суди қарорига гендер стереотипига асосланган тасаввурлар таъсир қилган ва “берилмаган розилик тўғрисида гапириш мумкин эмас” деган қарорга келди⁵⁵.

6. Суд тизимида хотин-қизлар иштирокини ошириш, ишларни кўриб чиқишнинг аниқ тартиб-таомилини таъминлаш, жазоланмай қолишга йўл қўймаслик.

7. Бошпаналарни молиялаштиришни такомиллаштириш ва уларнинг ходимларини ўқитишни таъминлаш, хотин-қизлар ННТини ривожлантириш. Кўплаб мамлакатларда хотин-қизлар ҳуқуқларига ихтисослашган ННТлар ва юридик ёрдам кўрсатиш бўйича ташкилотлар ўзларининг хотин-қизларга тақдим этаётган хизматлари ҳақида маълумотларни ўз ичига олган брошюраларни тайёрлаш масалалари бўйича маҳаллий прокуратура ва судлар билан ҳамкорлик қилади. Бундай маълумот давлат тилида ва мамлакатнинг аёл аҳолиси гаплашадиган бошқа тилда тайёрланиши ва кўриш қобилияти чекланган шахслар фойдалана оладиган бўлиши керак (масалан, Брайл шрифтида терилган бўлиши)⁵⁶.

8. Хотин-қизларни одил судловга эришиш механизмларига етарли даражада инсон ва молиявий ресурслар билан таъминлаш; юридик ва бошқа чора-тадбирлар хотин-қизлар ҳаётини ҳақиқатдан ҳам ўзгартириши учун маъмурий ва молиявий қўллаб-қувватлашни кафолатлаш; бепул юридик ёрдамни таъминлаш, айниқса, камситиш ҳолатларида ва оилавий-ҳуқуқий масалаларда (юридик клиникалар, ишонч телефонлари, онлайн-маслаҳат, бошпаналар).

⁵³ <https://rm.coe.int/training-manual-final-russian/16807626a5>

⁵⁴ <https://rm.coe.int/methodology-womens-access-to-justice-ru-pgg/16809c828c>

⁵⁵ <https://rm.coe.int/training-manual-final-russian/16807626a5>

⁵⁶ <https://rm.coe.int/methodology-womens-access-to-justice-ru-pgg/16809c828c>

ХУЛОСАЛАР

Одил судловга эришиш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бир қатор халқаро шартномаларда ва одил судлов стандартларида мустаҳкамланган ва миллий қонунчиликка изчил татбиқ этилаётган инсоннинг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқни амалга оширишда гендер жиҳатларни инобатга олиш муҳимдир. Чунки хотин-қизларнинг одил судловга эришишида кўплаб тўсиқлар мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда ҳуқуқий, институционал, ижтимоий, маданий ва иқтисодий тўсиқларга ажратиш мумкин.

Тўсиқларнинг ҳар бир гуруҳи учун тегишли чора-тадбирлар кўриш керак. Хусусан, жаҳон тажрибаси қонунчиликнинг гендер сезувчанлигини таъминлаш, хотин-қизларни ўз ҳуқуқлари ҳақида хабардор қилиш, бепул юридик ёрдам олишлари учун тегишли шарт ва тузилма яратиш, гендер масалалари бўйича судьялар ва адвокатларни ўқитиш, қўлланилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги бўйича мониторингни амалга ошириш нақадар муҳим эканини кўрсатяпти. Буларнинг барчаси муаммонинг ечимига комплекс ёндашувни шакллантиради.

Шунга ўхшаш чора-тадбирлар Ўзбекистонда ҳам амалга оширилмоқда. Юқорида қайд этилганидек, гендер масаласига оид 2 та қонун қабул қилинди, ижтимоий мослашув ва реабилитация марказлари ташкил этилди, ишонч телефонлари ва юридик клиникалар фаолият юритмоқда, онлайн-маслаҳатлар ташкил этилмоқда, гендер индикаторларидан фойдаланиш амалиёти босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Аммо ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп.

- a. Гендер масаласига оид қабул қилинган 2 та қонунда ҳавола нормалар кўп, қоидаларнинг катта қисми декларатив характерга эга, бундай қоидаларга йўл хариталари ва қонуности ҳужжатларни қабул қилиш орқали аниқлик киритиш ва бунда суд ҳимояси масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, ушбу қонунлар амалда ишлаши учун қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш керак. Масалан, гендер тенгликни бузганлик ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик учун санкциялар аниқ қилиб белгиланиши зарур.
- b. Мамлакатдаги ижтимоий мослашув ва реабилитация марказларининг аксарияти халқаро стандартларга жавоб бермайди, улар молиялаштирилишга ва ходимларни оиладаги зўравонлик ва умуман гендер масалалари бўйича ўқитиш зарур.
- c. Гендер индикаторлари ишлаб чиқилмоқда ва улар янада такомиллаштирилиши лозим. Хусусан, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги индикаторларни жорий этиш мумкин: “оиладаги зўравонликка оид масалалар бўйича кўриб чиқилган ишларнинг сони”, “бундай ишлар бўйича айблов ҳукмларининг сони”. Мониторинг олиб борадиган органни белгилаш ёки ушбу мақсадда ташкил этиладиган ишчи гуруҳни шакллантиришга оид масалани кўриб чиқиш муҳим.
- d. Мавзуга оид мобил иловалар яратиш турли идораларнинг сайтларининг гендер масалаларига оид мазмунини бойитиш лозим.
- e. Бепул юридик ёрдам тизимини ривожлантириш, юридик клиникаларни, шу жумладан, гендер масалаларига оид онлайн клиникаларни ташкил этиш, ишонч телефонларининг сонини кўпайтириш, ёрдам кўрсатаётган хотин-қизлар ННТ ҳақида маълумотлар базасини ва электрон маълумотнома яратиш зарур. Шунингдек, “Мадад” хизматининг сайтида “Гендер тенглик” деган алоҳида рубрика очиш мумкин.

- f. Гендер масалаларига оид 2 та қонуннинг қабул қилиниши судьяларни гендер масалалари бўйича ўқитишни талаб қилади. Бунинг учун эса махсус ўқув курсларини, шу жумладан, гендер тенглик ва оиладаги зўравонлик масалалари бўйича онлайн курсларни ташкил этиш керак. Шунингдек, гендер тенглик ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги қонунларга шарҳ ёзиш ва бундай тоифадаги ишларни кўриш бўйича судьяларга кўрсатмалар тайёрлаш зарур.
- g. Гендер тенглик ва зўравонлик бўйича ихтисослаштирилган судларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу катта молиявий харажатларни талаб этади. Бундан ташқари, бундай чораларни кўриш зўравонлик даражаси мутаносиб бўлиши керак. Бунинг ўрнига, ушбу масалалар бўйича судларда ишонч телефонлари ва онлайн маслаҳатлар яратиш, шунингдек, суд тузилмаларининг сайтларига тегишли рубрикалар киритиш лозим.
- h. Халқаро ҳамкорлик нуқтаи назаридан хотин-қизларнинг (энг аввало, заиф тоифага кирувчи хотин-қизлар учун) одил судловга эришишини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

